

## Муовия розияллоҳу анҳунинг мактуби



14:00 / 04.12.2022 1879

Рум императори Муовия розияллоҳу анҳуга шундай мазмунда мактуб жўнатди: «Сиз билан Али ибн Абу Толиб орасида содир бўлган нарсани билдик. Биз ундан кўра сизни халифаликка ҳақли деб биламиз. Агар буюрсангиз сизга бир қўшин юборай, у қўшин сизга Алининг бошини олиб келсин».

Бу мактубни ўқиган Муовия розияллоҳу анҳу императорга мана бундай мазмунда жавоб хати йўлладилар: «Икки биродар бир-бири билан жанжаллашиб қолган бўлса, сенга нима?! Нега орамизга суқилияпсан?! Агар жим бўлмасанг, сенга қарши боши сенинг олдинда, охири менинг олдимда бўлган катта бир қўшин юбораман. У қўшин бошингни менга олиб келади. Кейин мен уни Алига бераман».

Ибн Касир раҳимаҳуллоҳнинг «Ал-Бидоя ван ниҳоя» асаридан Нозимжон Ҳошимжон таржимаси